

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**234** 2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг  
ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига  
ўқишга қабул қилиш тўғрисида

Умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг, республика ҳудудларининг ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари, касблари ва мутахассисликлари бўйича касбий тайёрланган мутахассисларга бўлган талабини қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Меҳнат вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, акциядорлик компаниялари ва уюшмалар билан биргаликда янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, ишлаб турганларини модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича истиқболда мўлжалланаётган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир вилоят, туман

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й.*

ва шаҳар бўйича баланс ҳисоб-китоблар асосида 2016/2017 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини аниқ касблар ва мутахассисликлар бўйича ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг аниқ касблар бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларига бўлган амалдаги эҳтиёждан келиб чиқиб, 2016/2017 ўқув йилидан бошлаб республика ҳудудларида 1-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича 22 та касб-хунар коллежини қайта ихтисослаштиришга доир тайёрланган таклифлари маъқуллансин.

3. Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларининг малакали кадрларга бўлган реал эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда 2016/2017 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрлари 2 ва 2.1 — 2.14-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси икки ҳафта муддатда кейинги йилларда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришни пухта таҳлил қилишни ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини 2016/2017 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг тасдиқланган умумий параметрлари асосида вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар бир касб-хунар коллежи ва академик лицейига ўқишга қабул қилиш параметрларини тасдиқласин.

Бунда:

ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарининг танланган ва иқтисодиёт тармоқларида талаб қилинган мутахассислар бўйича ўқишга бўлган хоҳишини, таълим муассасаларида зарур моддий-техника база мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга;

битирувчи қизларнинг талаб этилган касбларни эгаллашларини назарда тутган ҳолда уларни касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан қамраб олишга алоҳида эътибор берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўз тасарруфида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар билан бирга-ликда 2016/2017 ўқув йилида умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга ўқишга қабул қилишнинг белгиланган умумий параметрлари сўзсиз бажарилишини таъминласин ҳамда ўқишга қабул қилиш натижалари бўйича Ўзбекистон

---

\* 1, 2 — 2.14-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Республикаси Вазирлар Маҳкамасига шу йил 10 августгача бўлган муддатда умумлаштирилган якуний ахборот тақдим этсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари зиммасига:

умумтаълим мактабларининг 9-синфлари битирувчиларини касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда ўқитиш билан тўлиқ камраб олишни таъминлаш;

ўқувчиларни касб-хунар коллежига ўқишга кирган кундан бошлаб, келгусида уларнинг танланган мутахассислик бўйича тўлиқ ишга жойлашишни таъминлаш учун ташкилотларга бириктириш бўйича ўз вақтида аниқ чора-тадбирлар кўриш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

Касб-хунар коллежларига ва академик лицейларга ўқишга қабул қилишда алоҳида таълимга эҳтиёжманд бўлган болалар ва «Меҳрибонлик» уйлари битирувчиларига шарт-шароитлар ва таълим муассасаларини танлаши учун ҳуқуқий кафолатлар яратишга алоҳида эътибор қаратилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2016/2017 ўқув йили учун ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар таъминоти учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан белгиланган тартибда зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда қайта ихтисослаштирилаётган, шунингдек янгидан фойдаланишга топширилаётган касб-хунар коллежлари филиалларида 2016/2017 ўқув йили бошлангунга қадар ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш, уларни юқори малакали ўқитувчи кадрлар билан тўлдириш, кадрлар тайёрлаш йўналишларига мувофиқ замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси, зарур ўқув-норматив ҳужжатлар, ўқув ва методик адабиётлар билан таъминлаш чора-тадбирларини кўрсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 23 май,  
167-сон